


I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 88567,7 млрд.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 101,5 фоизга тенг бўлди.

Январь-декабрь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш

| | млрд.сўм | | 2019 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|----------------|----------------|--|
| | 2019 йил | 2020 йил | |
| I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами | 78411,0 | 88567,7 | 101,5 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 68952,4 | 78649,9 | 101,5 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 9458,6 | 9917,8 | 101,7 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 68952,4 | 78649,9 | 101,5 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 34046,3 | 38128,4 | 101,4 |
| Саноат | 27074,3 | 30144,9 | 100,6 |
| Қурилиш | 6972,0 | 7983,5 | 104,1 |
| Хизматлар | 34906,1 | 40521,5 | 101,6 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 10608,8 | 12592,3 | 102,1 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 9012,8 | 9994,4 | 103,3 |
| Бошқа хизматтармоқлари | 15284,5 | 17934,8 | 100,3 |

ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
(2020 йил январь-декабрь ойларида)




Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш индекси – 100,6 % ни ташкил этиб (ЯҲМ таркибидаги улуши 38,3 %), қурилиш – 104,1 % (10,2%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,1 % (16,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 103,3 % (12,7 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 100,3 % (22,8 %) ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

2019 йил январь-декабрь



2020 йил январь-декабрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2020 йил январь-декабрь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 16,0 % ни (2019 йил январь-декабрда 15,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 12,7% ни (13,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 22,8 % ни (22,1 %) ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби,
(жамига нисбатан фоизда)



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Тошкент шаҳрииктисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 88,8 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 11,2 % ни ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 48,5 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 51,5 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-декабрь ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 33747,8мингсўмни ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,2% га камайди. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллашиши оқибатида ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши 45,8% ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуши
(январь-декабрь ойлари, жамига нисбатан улуши)



Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳрининг қўшган ҳиссаси 15,3%ни ташкил этиб,ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 пунктга камайган.

Ялпи ички маҳсулотда Тошкент шаҳрининг улуши, фоизда

